

Эр-хотин розилиги



11:20 / 15.10.2021 6494

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Нисо сурасида шундай марҳамат қилади:

**نِ اُولَہَا نَّم اَمَکَحَو۔ وِلَہَا نَّم اَمَکَح اُوْتَعَب اَف اَمَوْنِیَب قَا قِش مْتَفِخ ن اُو
اَرِیَب خ اَمِی لَع ن اَک ل ل ل ا ن ا مَہ نِیَب ل ل ل ا ق ف و ی ا ح ا ل ص ا ا د ی ر ی**

«Агар икковларининг оралари бузилишидан кўрқсангиз, у(эр)нинг аҳлидан бир ҳакам ва бу (хотин)нинг аҳлидан бир ҳакам юборинг. Агар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ у(эр-хотин)ларнинг орасини мувофиқлаштирур. Албатта, Аллоҳ Алийм ва Хобийрдир» (35-оят).

Бу ояти каримада келишмовчилик ҳам эр, ҳам хотин томонидан чиққан пайтда кўриладиган чора ҳақида гап кетмоқда. Бу ҳолатда оиланинг сирини ташқарига чиқармасдан ҳал этишнинг иложи қолмаган бўлади. Энди, бошқалар аралашиб бўлса ҳам, оилани сақлаб қолишга уринилади.

«Агар икковларининг оралари бузилишидан қўрқсангиз, у(эр)нинг аҳлидан бир ҳакам ва бу(хотин)нинг аҳлидан бир ҳакам юборинг».

Эр ўзи рози бўлган қариндошини, хотин ҳам ўзи рози бўлган бир қариндошини ҳакамликка тайин қиладилар. Розилик кейинчалик ҳакамлар чиқарган ҳукмга ҳам рози бўлишлари учун керак бўлади. Албатта, ҳакамлар ақлли, тажрибали, турмушнинг пасту баландидан хабардор кишилар бўлиши лозим. Табиийки, икковлари ҳам Аллоҳдан қўрққан ҳолда, адолатли ҳукм чиқаришга ҳаракат қилишлари керак. Ҳакамларнинг асосий вазифаси эр-хотин орасини ислоҳ қилишдир. Шунинг учун ҳам ояти каримада:

«Агар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ у(эр-хотин)ларнинг орасини мувофиқлаштирур» деб, ҳакамларга ислоҳчилик нисбати берилмоқда. Худди шу тушунчадан келиб чиқиб, баъзи уламолар: «Ҳакамларга фақат яраштириш, ислоҳ қилиш ҳуқуқи берилган», дейдилар. Бошқалари эса: «Ҳолатни ўргангач, ислоҳ қилишнинг иложи йўқлигига амин бўлишса, эру хотинни ажратиб қўйишга ҳам ҳақлари бор, шунингдек, уларга тегишли жазо чораларини, мол-мулкка оид масалаларни ҳам ҳал қилишади», дейдилар.

Ҳазрати Усмон ибн Аффон Зиннурайн розияллоҳу анҳунинг ўз халифалик вақтларида худди шу ояти каримага амал қилиб иш юритилганлиги тафсир китобларимизда нақл қилинади:

Ақийл ибн Аби Толиб деган киши Фотима бинти Утба ибн Робийъага уйланган эди. Аёл:

«Сен менга сабр қилсанг, мен сенга нафақа бераман», – деган эди. Эри кўчадан келса:

«Утба ибн Робийъа ва Шайба ибн Робийъалар қаерда?» – деб сўрарди. Бир куни эри:

«Дўзахга кирсанг, сенинг чап томонингда бўлишади», – деб жавоб қилди. Хотин кийимларини кийиб, халифа – ҳазрати Усмон ҳузурига бориб, бўлган воқеани айтди. Ҳазрати Усмон кулдилар-да, Абдуллоҳ ибн Аббос билан Муовия ибн Абу Суфёнларни чақириб, ҳакам этиб тайинладилар ва уларга:

«Агар яраштиришни истасангиз, яраштинг, ажратишни истасангиз, ажратинглар», – дедилар.

Ҳозирги воқеълигимизда маҳалла қўмиталарининг ҳакамлик қилишлари одат бўлган. Бу ҳам яхши иш. Улар ҳам оилаларнинг бузилишидан кўра ярашиб кетишининг ташвишини қиладилар. Шунингдек, маҳкамалар ҳам. Буларнинг ҳаммаси эр-хотинни яраштириб қўйиш чораларини кўрганлари яхши.

«Бахтиёр оила» китоби асосида тайёрланди